



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.

2022 йил «19» март

176-6-0-Q/22

Наманган вилояти ҳокимлиги

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Марракеш шартномасини (2013 йил 27 июнь, Марракеш) амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 11 мартдаги 113-сон қарори ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Марракеш шартномасини (2013 йил 27 июнь, Марракеш) амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 11 мартдаги 113-сон қарори ижросини вилоятда таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Марракеш шартномасини (2013 йил 27 июнь, Марракеш) амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 11 мартдаги 113-сон қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Марракеш шартномасини (2013 йил 27 июнь, Марракеш) амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида” 2022 йил 12 январдаги ПК-80-сон қарори 2-бандига мувофиқ Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги мазкур халқаро

шартномани амалга ошириш юзасидан масъул ваколатли орган этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинганлиги эътиборга олинсин.

3. Маданият бошқармаси (К.Сиддиқов), Молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов) Наманган шаҳар ҳокимлиги (Ғ.Джамалов) билан биргаликда вилоят Кўзи ожизлар кутубхонасини Брайл ёзувидаги адабиётларни чоп этишга мўлжалланган “INDEX BOX V5” мини типография билан таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи О.Инамов зиммасига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov